

# ЎЗБЕКИСТОНДА СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ

## ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2006 йил 20-26 июнь № 25 (489)

Сешанба кунлари чиқади

### ҲАЯЖОН ОРТИДАГИ КЕЛАЖАК ОРЗУЛАР



Ҳамширалар билим савиясини ошириш, уларни замон талаблари даражасидаги таълим тизимларидан бохабар қилиш, шунингдек, кадрларни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бўлиб бормоқда. Чунки, республикамизда «Ҳамширалик иши»ни такомиллаштириш борасида мақсадли ишлар амалга оширилиши баробарида, бундан бир неча йил аввал Юртбошимизнинг ташаббуси билан олий маълумотли ҳамширалар факультетининг ташкил этилиши ўзига хос мазмун ва моҳият касб этди. Мамлакатимиздаги тиббиёт институтларида фаолият олиб бораётган ушбу факультет бугунги кунда муайян маҳсулият натижаларни қўлга киритиб, замонавий руҳдаги олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашда асосий таълим мас-



канларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда бу билим даргоҳлари янгича ўқитиш тизими ва замонавий таълим услублари билан таъминланган бўлиб, унда асосан ҳамширалар «Ҳамширалик иши» борасидаги амалий жараёнлар ва фаолият-

лар билан узлуксиз танишиб борадилар. Шу маънода Тошкент тиббиёт академиясининг «Олий маълумотли ҳамширалар» факультети раҳбарияти, битирувчилари ва талабалари билан мулоқотда бўлдик.  
(Давоми 4-бетда).

### ПРИКАЗ

Министерства здравоохранения

Республики Узбекистан

**О внесении изменений и дополнений в приказ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 10.03.2006 г. № 94 «Об утверждении Положения «О поставке гуманитарных грузов в виде лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники в Республику Узбекистан»**

13 июня 2006 года № 256 г. Ташкент

В целях совершенствования механизмов утверждения и мониторинга реализации инвестиционных проектов, учета и контроля грузов гуманитарной помощи

#### ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Внести изменения и дополнения в Положение «О поставке гуманитарных грузов в виде лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники в Республику Узбекистан», являющегося приложением к приказу Министерства здравоохранения Республики Узбекистан № 94 от 10 марта 2006 года, согласно приложению.

2. Директору Центра политики лекарственных средств и изделий медицинского назначения Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (М. Я. Ибрагимов):  
- довести Положение «О поставке гуманитарных грузов в виде лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники в Республику Узбекистан», утвержденное приказом Министерства здравоохранения Республики Узбекистан № 94 от 10 марта 2006 года, с учетом изменений и дополнений, вносимых настоящим приказом до всех республиканских клиник, Республиканского центра государственного санитарно-эпидемиологического надзора, областных управлений здравоохранения, главного управления здравоохранения г. Ташкента и Минздрава Республики Каракалпакстан.

3. Директору института «Здоровья» (З. Ж. Муталова) и исполняющему обязанности главного редактора газеты «Ўзбекистонда солиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» (И. Соатова):

- опубликовать Положение «О поставке гуманитарных грузов в виде лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники в Республику Узбекистан», утвержденное приказом Министерства здравоохранения Республики Узбекистан № 94 от 10 марта 2006 года, с учетом изменений и дополнений, вносимых настоящим приказом на веб-сайте Минздрава РУз и в газете «Здравоохранение Узбекистана».

4. Областным управлениям здравоохранения, главному управлению здравоохранения г. Ташкента, Республиканскому центру государственного санитарно-эпидемиологического надзора и Минздраву Республики Каракалпакстан:  
- довести Положение «О поставке гуманитарных грузов в виде лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники в Республику Узбекистан», утвержденное приказом Министерства здравоохранения Республики Узбекистан № 94 от 10 марта 2006 года, с учетом изменений и дополнений, вносимых настоящим приказом до сведения всех подведомственных учреждений.

5. Контроль за исполнением приказа возложить на заместителя министра здравоохранения Н. У. Шарапова.

Министр

Ф. Г. НАЗИРОВ.

(Приложения к приказу см. на 2-й стр.)

### ОБУНА-2006

Азиз шифокорлар,  
ҳамширалар,  
этибдорлар ва барча  
муштарийлар  
этиборига!  
Тиббиётдаги  
янгиликлар билан  
қадам-бақадам  
одимлашингизда  
Сизга мадад  
бўлишни ўз олдига  
мақсад қилиб қўйган  
«Ўзбекистонда  
солиқни сақлаш -  
Здравоохранение  
Узбекистана»  
газетасига  
2006 йилнинг яқин-  
чи ярми учун обуна  
мавсуми  
давон этмоқда.  
Буни унутманг!  
Нашр индексимиз:  
128.

### Муносабат

### КўНГЛИМДАГИ ТУЙГУЛАР

Яқинда «Ўзбекистонда солиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» газетасини варақлай туриб, мамлакатимизда тиббиётчилар кунини нишонлаш бўйича ҳамкасбларимнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб қолдим. Тўғриси, ўзимнинг ҳам кўнглимдан шундай туйғулар кечиб юрганди. Қачон-гача, собиқ советлар давридан қолган санани нишонлаб юрамиз, мустақил давлатнинг ҳар соҳага доир жабҳаларида ўзининг қатъий белгиланган кунни бўлиб, уларни шод-хуррамликда нишонлашга нима этсин. Мустақиллигимизнинг ўн бешинчи йилида Юртбошимизнинг раҳнамолиги ва вазирлигимизнинг саяёҳаракатлари билан, кўпчилик тиббиётчиларнинг дилидаги

орзулар рўёбга чиқиб, ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси республикамизда - Тиббиётчилар кунини сифатида нишонлашни мени чексиз қувонтириб юборди. Мен бир тиббиёт фахрийиси, узок йиллар одамлар дардига малҳам бўлишдек шарафли касбни эъзозлаб келган оддий шифокор сифатида шунини таъкидламоқчи эдимки, сўлим кузнинг энг сара кунларида касб байрамимизни нишонлашга доир тақдирларни чин дилдан қўллаб-қувватлайман. Илоҳим ҳаммамизни Яратган эгам ўз паноҳида асраб, яхши кунларда баҳамжихат дийдорлашиб, касбимизга садоқатимизни намоен этиб юрайлик.

Шосалим МУЗАФФАРОВ,  
тиббиёт фахрийиси.



# ҲАЯЖОН ОРТИДАГИ КЕЛАЖАК ОРЗУЛАР

**Шоира БОБОЖОНОВА,**  
профессор, Олий маълумотли ҳамширалар  
факультети декани.



— Фахрланарлиси шундаки, кейинги пайтларда тиббиёт тизимидаги ўзгаришларни кўриб кўзинг қувнайди. Айниқса, ҳамширалар меҳнатига бўлган эътиборнинг ошиб бораётганлиги мазкур факультетнинг ташкил этилишига сабаб бўлди, десам муболаға қилмаган бўлман. Факультетимизга ҳужжат топширган талабалар асосан тиббиёт коллежларини тугатиб, ўз билим ва маҳоратларини синаб талабалик сафидан ўрин оладилар. Лекин улардан синов муддатлари давомида кучли назарий ва амалий билимлар талаб этилади. Хабарингиз бор, бугун дунёда бўлган каби ҳозир Ўзбекистонда ҳам замонавий ҳамшира кадрлар тайёрлаш бирламчи вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Ана шу имкониятларни ҳисобга олиб, факультетда мутахассисликлар бўйича бир нечта йўналишлар жорий этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — ҳамшираларни турли йўналишларда фаолият юрита олиш имкониятларини кенгайтириш, ҳамширалик замонавий татбиқ доирасини шакллантиришдан иборат. Айни пайтда эса ҳамширалар бакалавр босқичини тугатиб, йўналишлар асосида магистратурада таҳсил оладилар. Табиийки, узлуксиз таълим ҳақон стандартларига мос келган ҳолда тарбияланаётган ҳамшираларни ҳар тамонлама етув ва билимли мутахассис даражасига етказишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳати, факультетни тугатган талабанинг 80 фоизи тиббиёт коллежларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритмоқда. Шунингдек, унинг баробарида тиббиёт муассасаларида ўз касбининг сеvimли мутахассисликларини, яъни бош ва катта ҳамшира ҳамда етакчи доя сифатида фаолиятни давом эттирмоқдалар. Умид қиламизки, факультетни тамомлаган бакалавр-ҳамширалар эндиликда устозлар ишончини оқлаб, ҳамширалик таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда, энг асосийси илмий изланишлар салмоғини оширишда астойдил ўқиб-ўрганадилар.

**Рихси СОЛХЎЖАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош  
мутахассиси, Ўзбекистон ҳамширалар  
ассоциацияси раиси.



— Мана бугун олий маълумотли ҳамширалар факультетининг битирувчилари клиник билимларини назорат қилиш кўникмаларидан давлат имтиҳони топширишар экан, уларда билим ва изланишга бўлган ташналикни синов давомида англаб олиш қийин эмас. Улар тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича педагогларга амалий тарзда имтиҳон топширдилар. Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман, демак ҳамширалар қандай йўналишда бўлмасин, уларда ҳамширалик ишини ривожлантиришга бўлган иштиёқ ва ҳаракат кучли экан. Сир эмас, ҳозирги кунда аксарият олий маълумотли ҳамшираларимиз тиббиёт коллежларида ўқитувчи, тиббиёт муассасаларида бош ва катта ҳамшира, етакчи доя ва анестезиолог-ҳамшира сифатида фаолият юритиб келмоқдалар. Чунки, ҳамшираларда ҳозир масъулият ва эътибор катта. Шунинг учун улар доимий изланиш ва янгиликларга интилувчанликлари билан алоҳида меҳнат фаолиятига эга ҳисобланади. Хоҳлардимки, ҳамширалар олинган назарий ва амалий билимларини бойитиш мақсадида магистратура босқичларида таълим олсалар ва айни пайтда ҳамширалик иши ҳамда амалиёти жараёнлари тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшсалар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Лазокатхон АБДУВАХОБОВА,**  
Олий маълумотли ҳамшира факультетининг 3-курс  
307-гурӯх талабаси, «Камолот» ёшлар  
ижтимоий ҳаракати етакчиси.

— 2002 йилда П. Ф. Боровский тиббиёт коллежини қизил диплом билан тугатиб, бир йил давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг кардиореливация бўлимида ҳамшира бўлиб ишладим. 2003 йилда мазкур факультетга ҳужжат топширдим ва талаба деган номга муяссар бўлдим. Олиб борилган ўқув дарсларидаги янги-ча таълим тизимлари ҳар бир талабани кунт билан ўқишга, изланишга ундарди. Назарий ва амалий жараёнларнинг узлуксиз равишда олиб борилиши курсдошларим қатори мени ҳам аъло баҳоларда ўқишимга туртки бўлди. Чунки, коллежда ҳамшираликнинг бошланғич таълимларини ўрганган бўлсак, мукамал таълим босқичларини эса ушбу даргоҳда доимий ўрганиб, ўзлаштириб бордим. Мана бугун 3 йил давомида олган билимларимнинг махсулий натижаларини кўриб, ўқиш-ни магистратурада давом эттиришни ният қилдим. Айниқса, ўтказилган имтиҳон жараёнида назарий ва клиник кўникмаларимни устозларим олдида синаб кўрганлигим, келажақдаги мутахассислигим учун муҳим эканлигини англаб етдим. Менежментлик йўналишини танлаганим сабаб, Ўзбекистонда ҳамширалик ишини янада раванқ топтиришда муайян изланишлар олиб бориш.



**Дилнура БЕРДИЕВА,**  
3-курснинг 308-гурӯх талабаси.

— Уч йил мобайнида аъло ўқиш билан бир қаторда маънавий ва маърифий ишларда фаол иштирок этиб келдим. Шунингдек, академияда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда ҳам қатнашиб бахтига муяссар бўлдим. Йиллар давомида меҳрибон ва тажрибали устозларимдан олган билимларим менежментлик мутахассислигини танлашимга имкон берди. Назаримда, менежментлик бакалавр босқичидаги дастлабки йўналиш бўлса, эндиликда бу йўналишни кенгроқ ва мукамалроқ эгаллаш учун академиянинг менежментлик магистратурасига топшириб, ўқишимни давом эттириб, илмий ишларим бўйича изланишлар олиб бормоқчиман.




**Адолат ШОМАНСУРОВА,**  
3-курснинг 308-гурӯх талабаси.

— Биринчи навбатда устозларимни ҳурмат билан тилга оламан. Сабаби улар менга ҳамширалик ишининг бор синоатларини ўргатиб, билимларимни бойитишда ўзларининг керакли маслаҳат ва кўрсатмаларини аямдилар. Факультетимизни биздан олдин тугатиб, бугунги кунда ўқув масканлари ҳамда тиббиёт муассасалари ва магистратурада ўқиётган ҳамкасбларимни кўриб, ҳавас қиламан. Мана бугун давлат имтиҳонларини топширдим. Синовли дақиқалар мен учун ниҳоятда ҳаяжонли кечди. Берилган назарий ва амалий саволларга ўта ҳушёрлик ва тезкорлик билан жавоб беришга ҳаракат қилдим. Лекин шошиб қолган вазиятларим ҳам бўлди. Қўлимга бакалавр дипломини олиб, фаолиятни давом эттириш ниятидаман. Агар имкониятим бўлса, магистратурага топшириш ниятим ҳам йўқ эмас.



**Мухаррам ИБРАГИМОВА,**  
3-курснинг 308-гурӯх талабаси.

— Уч йиллик олган билимларим мени доя бўлишдек шарафли касбга йўллаётганидан гоят мамнунман. Давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек ишга бел боғлар эканман, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келишида ўз ҳиссамни қўшишда касбий маҳоратимга бўлган иштиёқ давлат имтиҳонларини топшираётган пайтимда танлаган касбга нисбатан фаолият давомида масъулиятни ҳис қилишимни яна бир қарра намоеън этди. Ўқиш даврида бепуштлиқ, мамалогия каби долзарб мавзуларда рефератлар ёзиб, ўқув циклларида иштирок этиб, сертификатлар олдим. Эндиги ниятим, имкониятларимдан келиб чиққан ҳолда магистратурада ўқишни давом эттириш ва йўналишим бўйича мутахассисликни чуқур эгаллашдир.



*Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, синовли дақиқалар ортда қолган бўлса-да, эндиликда уларни катта синов мактаби кутмоқда. Кимдир эгаллаган мутахассислиги бўйича фаолиятни давом эттирса, кимдир Ўзбекистонда ҳамширалик ишини янада такомиллаштириш мақсадида магистратура йўналишини танлаб, тиббиётнинг сир-синаотли билимларидан баҳраманд бўлишни хоҳлайди. Ана шундай изланувчан, илмга чанқок битирувчиларга омад тилаган ҳолда уларнинг ҳаяжон ортидаги келажақ орзулари ушалайишни тилаб қоламиз.*

Намоз ТОЛИПОВ,  
Асен НУРАТДИНОВ олган суратлар.



• ЯНГИЛИКЛАР • НОВОСТИ • ЯНГИЛИКЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • НОВОСТИ • ЯНГИЛИКЛАР •

## ҚОН ҲАЁТ МАНБАИ



**Жорий йилнинг 13 июнь кuni Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти донорликни тарғиб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказди.**

Анжумани Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Комилов кириш сўзи билан очиб, донорликнинг афзалликлари инсон ҳаётида нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, республикада бу борада олиб борилаётган фаолиятлар хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Сўнгра Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Н. Туреева сўзга чиқиб, 14 июнь бутун дунёда халқаро донорлар кuni деб бежизга эълон қилинмаганлиги ва бунда донорлар ўрни бекиёсллигини айтиб, улар учун керакли имтиёзлар яратиш заруратини ўз фикрларида баён этди.

Журналистларнинг донорлик тўғрисидаги маълумотларини янада ошириш мақсадида, Республика Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори, профессор Х. Каримов шу кунга бағишланган асосий мавзу бўйича батафсил тўхталиб ўтди. Институти томонидан ушбу санага бағишлаб тайёрланган видеоролик иштирокчиларга намойиш этилди.

Тадбир сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлари бўйича мутахассислардан тегишли жавобларни олдилар.



**Шунингдек, 2006 йилнинг 14 июнь кuni мазкур санага бағишланган тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида ҳам кенг нишонланди.**

Байрам тадбирини Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори, профессор Х. Каримов кириш сўзи билан очиб, иштирокчи донорларни ушбу қутлуг кун билан қизгин табриклаб, донорлик ва унинг аҳамияти ҳақида кенг сўз юритди.

Бир гуруҳ донорлар эсдалик совғалари билан тақдирланиб, улар учун байрам дастурхони ташкил этилди.

**Жорий йилнинг 14 июнь кuni Самарқанд дарвоза маҳалла гузарининг мажлислар залида Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиали, Шайхонтоҳур туман Саломатлик маркази ва 14-оилавий поликлиника ҳамкорлигида 14 июнь – Халқаро донорлар кuni муносабати билан «Қон ҳаёт манбаи» шиори остида йнгилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирни 14-оилавий поликлиника бош шифокори Д. Ибрагимова кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда донорлар сони тобора камайиб бораётгани, шу боис, бадалсиз донорлик ташкил қилишни жорий этиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра, юқорида тилга олинган ташкилот вакиллари сўзга чиқиб, инсон ҳаётига жон бахш этувчи донорлар, қон ва қон маҳсулотлари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Шу билан бирга 14-оилавий поликли-

никада фаолият юритаётган мутахассислар айна кунларда долзарб масала бўлган «Ўткир юқумли ичак касалликлари» ва «Қутуриш касаллиги» мавзусида ҳам маъруза қилишди.

Ушбу тадбирда Шайхонтоҳур туманидаги Ўқув-даволаш комплекси коллежи ва Бизнес мактаби талабалари иштирок этди.

Иштирокчилар тадбирда кўтарилган асосий масалалардан хулоса чиқарган ҳолда мутахассислар билан ўзаро фикрлашдилар.

Саҳифа материалларини Намоз ТОЛИПОВ ва Холмурод РАББАНАЕВ тайёрлашди.  
Суратлар муаллифи: Асен НУРАТДИНОВ.

**2006 йилнинг 14 июнь кuni Халқаро бизнес марказининг Навоий залида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Болалар неврологияси муаммолари» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Ушбу анжумани Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Комилов кириш сўзи билан очиб, республикада учрайдиган неврологик касалликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борада олиб борилаётган фаолиятлар хусусида тўхталиб ўтди.

Анжуман давомида республика тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар ҳамда хорижий давлатлардан таширф бюрган вакиллар болалар неврологияси соҳасида учраб турадиган асосий муаммолар хусусида, шунингдек, уларни бартараф этишга доир маърузалари билан чиқиш қилдилар.

**Ўтган ҳафтанинг 15 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтида кичик тиббий ходимлар ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

Танловни институти директори Ж. Курбонов кириш сўзи билан очиб, кўрик-танловнинг мазмун ва моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг муассасада фаолият юритаётган кичик тиббиёт ходимлардан 4 нафари тўрт босқичдан иборат бўлган шарт бўйича ўзаро куч синашдилар. Танлов давомида улардаги меҳрибонлик, чақонлик, самимийлик каби фазилатлар кичик тиббий ходимларнинг ўз касбига бўлган фидойилигини кўрсата олди.

Танлов иштирокчиларининг маҳоратларини кузатиб борган ҳайъат аъзолари 1-уринга 1-туркук бўлимнинг кичик тиббий ходими К. Султоновани, 2-уринга эса болалар реанимация бўлимининг кичик тиббий ходими

## БОЛАЛАР НЕВРОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ



Тадбир сўнггида иштирокчилар юқорида қилинган маърузалар бўйича ўзаро фикрлашдилар. Ушбу тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан илк маротаба ўтка-

зилаётган экан, юқоридаги муаммоли масалалар қатнашчиларнинг келгусида янада изланишини ҳамда масъулият билан ишлашини тақозо этади.

## ЎЗАРО БЕЛЛАШУВ



З. Ҳайдарова ва оналарни турғука тайёрлаш бўлимининг кичик тиббий ходими Н. Гаиповларни лозим деб топишди.

Ғолибалар институти жамоасининг қимматбаҳо совғалари

билан тақдирланишди. Ушбу тадбирнинг қизиқарли ҳамда кўтаринки руҳда ўтишида муассасанинг лозим деб доя (акушерка)си Клара Тошмухамедованинг ҳиссаси катта бўлди.

## НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

**2006 йилнинг 15-16 июнь кунлари пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказининг Навоий залида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли кардиология илмий текшириш институти)нинг 30 йиллик юбилейига бағишланган «Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида юрак қон-томир касалликлари диагностикаси, даволаши ва профилактикасининг замонавий муаммолари» мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**



Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Н. Шаропов кириш сўзи билан очиб, республикада фаолият юритаётган кардиологлар ва уларнинг айна пайтда амалга ошираётган

ишлари хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Икки кун давом этган мазкур тадбирда шу соҳанинг мутахассислари «Ўзбекистонда кардиологиянинг ривожланиши натижалари ва истиқбол-

лари», «АТ-1 рецепторлари блокаторлари – ангиотензин ўзгартрувчи фермент альтернативаси ёки клиник амалиётда бир қадам олға», «РШТЭИМ маълумотлари бўйича ўткир қоранар синдромда даволашнинг эндоваскуляр услубларини қўллаш тажрибаси», «Юрак ишемик касалликларида эндоваскуляр аралашувларга замонавий кўрсатмалар», «Ўзбекистонда профилактик кардиология: баъзи бир натижалар ва соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида ташкил этиш услублари» сингари долзарб мавзуларда маъруза қилишиб, мазкур соҳа бўйича қўллаб ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги, самарали таъсирга эга бўлган препаратлар ишлаб чиқарилаётганлиги ва муаммога замонавий ёндашувлар тўғрисида сўз юритишди.

Шунингдек, анжуман давомида мутахассислар «Артериал гипертония тавсифномасига бирлашган ёндашув тўғрисида»ги мавзу бўйича музокаралар олиб боришди.

Спорт

# ВОЗВЕЛИЧИВАЯ ЖЕНЩИНУ, ВОЗВЕЛИЧИВАЕМ СЕМЬЮ, РОДИНУ, ЖИЗНЬ

Эти слова, посвященные женщинам и вынесенные в заголовок этого материала, являются высказыванием Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова. Они были отпечатаны на открытках, которые оформлены как приглашающие на Республиканские спортивные соревнования, организованные в городе Карши и посвященные его 2700-летию юбилею.



На стадионе «Насаф», расположенном в центральной части города, 11 июня состоялось торжественное открытие спартакиады женщин и девушек, приехавших из всех областей нашей республики для участия в соревнованиях по восьми видам спорта: легкой атлетике, настольному теннису, баскетболу, волейболу, синхронному плаванию, стритболу, перетягиванию каната, а также по шахматам и шашкам.

Приглашенные на стадион учащиеся старших классов общеобразовательных школ, лицеев и гимназий, студенты высших учебных заведений, жители махаллей города Карши и районов области тепло приветствовали многочисленных гостей и участников соревнований.

Звучит гимн Республики Узбекистан. Со словами приветствий перед присутствующими выступили: заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, Председатель комитета женщин Светлана Инамова, хоким Кашкадарьинской области

работу, утомляются раньше активных. Поэтому тем, кто чувствует слабость, вялость, быстрее устает при различных нагрузках, есть смысл стать более активными. Необходимо выбрать такие физические упражнения, которые быстро поднимают тонус, снимают утомление, позволяют трудиться с максимальной отдачей.

Еще в прошлом веке выдающийся физиолог И. Сеченов установил, что во время труда и после него утомление быстрее снимается не полным покоем, а активным отдыхом.

Физические упражнения центров, нормализуют нервную систему, кровообращение, дыхание. Физические упражнения являются универсальным стимулятором, который восстанавливает работоспособность.

Главной задачей проведенного мероприятия является не только выявление лучших спортсменов, но и привлечение к физкультуре и спорту девушек и женщин. Ведь от состояния их здоровья зависит здоровье детей, а значит наших будущих поколений. Также мы очень благодарны организаторам этого мероприятия, проводимого в нашем городе и посвященного его славному юбилею. Благодаря спартакиаде, в нашем городе побывали гости из различных регионов нашей республики. Спартакиада еще больше сдружила представителей различных национальностей - ее участников. У каждого, кто принимал участие в спартакиаде, появилось много новых друзей и знакомых.

Кратко и точно характеризуют значение физкультуры и спорта для здоровья человека известные мыслители. Вот что сказал Абу Али ибн Сина: «Человек, систематически занимающийся физическими упражнениями, реже нуждается в лечении», А. Муссе высказал такие слова: «Физические упражнения могут заменить множе-

ство лекарств, но ни одно лекарство не может заменить физические упражнения». Известно мнение ученого И. Павлова о том, что человек может прожить 100 лет и более, однако своей невостребованностью, беспорядочностью и безобразным обращением с собственным организмом значительно уменьшает этот срок. Не само здоровье дает долголетие, а правильное расходование его. Бесцельно использованное время укорачивает жизнь. Гимнастика, физические упражнения, ходьба должны прочно войти в повседневный быт каждого, кто хочет сохранить работоспособность, здоровье, полноценную и радостную жизнь. Этими высказываниями, изречениями, пословицами и поговорками о здоровье должен руководствоваться в своей жизни каждый, кто хочет быть здоровым и счастливым. Без физкультуры и спорта здоровым быть невозможно.

В соревнованиях по волейболу отличились представительницы города Ташкента, по стритболу - Навоийской области, по шашкам - Ферганской области, по легкой атлетике - столицы и Ферганской области, по настольному теннису - Ташкентской и Бухарской областей, по плаванию - спортсменки города Ташкента.

12 июня на торжественном закрытии спартакиады были вручены почетные грамоты и ценные подарки победителям.

Призы Президента - автомобили «Дамас» вручены командам города Ташкента - за хорошую подготовку к соревнованиям, Кашкадарьинской области - за организацию соревнований на высоком уровне; команде Республики Каракалпакстан - за широкую пропаганду спорта среди женщин. В связи с Годом благотворительности и медицинских работников автомобилей «Дамас» были вручены специальной школе-интернату № 37 Чиречинского района и Дому милосердия Камашинского района.

Лариса БОРТКОВСКАЯ.




Нуриддин Зайниев.

Соревнования по различным видам спорта проходили на стадионе «Насаф», а также на спортивных площадках учебных заведений города.

Вот что говорит о значении этого спортивного мероприятия начальник Кашкадарьинского областного управления здравоохранения Рахматилло Рахмонов:

- Физкультура и спорт являются источником бодрости и здоровья каждого человека. Неактивные, малоподвижные люди, выполняя какую-либо



## ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНИ!

**Кейинги пайтларда мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияга бўлган эътибор, кўрсатилётган муносабат кундан-кунга ўзининг самарали натижасини бериб келмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар, турли олимпиада мусобақалари доимий равишда анъана тусини олиб келмоқда, десак хато бўлмайди.**

Жумладан, ёшлар учун барпо этилган жаҳон андозаларига мос замонавий спорт иншоотлари, дам олиш масканлари бугун ҳар қачонгидан кўра гавжум ва эҳтиётсиз бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан Бухоро вилоятида ўтказилган Бутунжаҳон гиёҳвандлик ва терроризмга қарши кураш кўнига бағишланган Республика очик турнири мусобақалари юқоридаги фикрларимизнинг айна исботидир.

Президентимизнинг болалар спортини кўтариш борасида яратиб бераётган имкониятлари ёшларни ҳам маънан, ҳам руҳан

тетик тутиб, жаҳон чемпионатларида фахрли ўринларни олиб қайтишига мустаҳкам замин ҳозирламоқда. Ана шундай гамхўрлик, саломатликни асраб-авайлашга, энг асосийси, Ватанимиз тинчлиги ва оқолишталлигини таъминлашда юксак масъулиятни ҳис этган Бухоро ёшлари ўтказилаётган спортнинг турли мусобақаларида фаол қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Айниқса, улар орасида Бухоро шаҳар 34-мактабнинг 5-«А» синф ўқувчиси Бобуржон Сафоев таэквандо турнирининг 31 кг вазндаги гуруҳида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Ёш, умидли спортчи ушбу муқофотни қўлга олар экан, эндиликда элимиз шон-шухратини дунё бўйлаб кенг ёйишга, ўзбек спортини янада раванг топтиришга астойдил курашиш лозимлигини фахр билан айтиб ўтди. Шундай эзгу мақсадларга ҳамоҳанг равишда Бобуржон Сафоевдек спортга чанқоқ ёшлар сафи янада кенгайверишини истаб қоламиз.

Намоз ТОЛИПОВ.



**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Анамнез йиғиш.  
ЛОП органлар кўриги.  
Аллергологик синамалар:  
- тери синамалари;  
- зардобдаги умумий Ig E ни аниқлаш;  
- зардобдаги махсус Ig E ни аниқлаш;  
- дағал ва эгилувчан эндоскоп ёрдамида кўриш;  
Бурун-халқум бўшлиғидан суртмалар ва ювилган сувларни тайёрлаш:  
- цитологик текширишлар учун:  
- бактериологик текширишлар учун.

**Рентгенологик усуллар:**

- бурун ён бўшлиқларини рентген нурлари ёрдамида тасвирга тушириш;  
- компьютерли томография (текширувчи аъзо қаватларига рентген нури боғламларини юбориб сканирлаш йўли билан текшириш ва уни ЭХМ орқали соғлом тўқмадан фарқи аниқлаш);  
- магнитли-резонанс томография.

**Қонни текшириш:**

- қондаги шакли элемент-

лар сонини санаш;

- қалқонсимон без функциясини текшириш;  
- антинейтрофил цитоплазматик антитело;  
- иммуноглобулинлар ва Ig G кўйи синфларини аниқлаш.

**Анамнез ва кўрик**

Синчиклаб йиғилган анамнез аллергик ринитни гумон қилишга имкон беради. Сўраб чиқиш пайтида беморнинг яшаш шароити, шу жумладан, бажарадиган ишининг алоҳида хусусиятлари ва насл-насаби ҳақида маълумотлар олиш керак. Аллергик ринит ҳар қандай ёшдаги кишиларда, жумладан, чақалоқларда ҳам учраши мумкин, шунинг учун шифокор белгилар пайдо бўлиш вақтини аниқлаши зарур.

Кўп ҳолларда аллергик ринит 20 ёшгача ривожланади; ёшлик пайтида унинг учраш тезлиги 15 фоизни ташкил қилади. Белгилар пайдо бўлиш тезлигини (хар кун, эпизодик, йилнинг аниқ бир вақтида ёки доимий) ҳамда уларнинг чўзилишини, қандай кўринишда ифодаланишини ва касалликни кечиси жараёнининг ҳаракатдаги ҳолатини баҳолаш зарур.

Ринит билан касалланган беморларни икки гуруҳга – бурундан назла келиши ва аксириш устунроқ бўлган беморлар ва бурун битиши устунроқ турадиган

кўпроқ характерли;

- бурун бўшлиғида қичишиш;  
- бурун битиши (хар хил кўринишда);  
- кеча-кундузлик мақоми (белгилари кечаси камайиб, кундузлари кучаяди);  
- кўпинча конъюктивит билан биргаликда ёндош келади.

**Иккинчи гуруҳ учун характерли хусусиятлар:**

- аксириш онда-сонда ёки умуман йўқ;  
- қуюқ шиллиқ модда бурун бўшлиғидан кўпроқ бурун-халқумга оқади;  
- қичишиш йўқ;  
- бурун битиши (кўпинча анча яққолроқ кўринишда);  
- кечаси ва кундузги пайтларда белгиларнинг доимийлиги (кечаси оғирлашиш кузатилиши мумкин).

Буруннинг бир томонлама битиши полип борлигига, тузилиш аномалиялари кам ҳолларда ўсма борлигига шубҳа қилишга мажбур қилади. Ҳид сезишнинг пазайиши ва йўқ бўлиши полипоз риносинуситда ёки ринитнинг оғир кечадиган ҳолларида учрайди. Бурун битиши билан боғлиқ бўлган белгилар, оғиз ва томоқ қуриши, овоз пингиллаб қолиши билан бирга кенчадиган аллергияда бемор бурун учини қафти

беморларга бўлиш мумкин. Аллергик ринит билан касалланган беморлар кўпроқ биринчи гуруҳга киради.

**Биринчи гуруҳ учун характерли хусусиятлар:**

- аксириш (одатда хуруж билан);  
- бурун-халқум бўшлиғига оқишдан кўра бурундан оқиш

билан тез-тез артиб туради («аллергик салют»). Бунинг оқибатида бурун учининг сал юқори қисмида кўндаланг бурмалар ҳосил бўлиб, аксириш кўпроқ хуруж кўринишида пайдо бўлади.

